

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019/Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА МАДИНА УЛУГБЕКОВНА

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР НЕГИЗИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

**Юридик фанлар бўйича фан доктори
(DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора наук (DSc) по юридическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor on Legal Sciences (DSc)**

Турсунова Мадина Улугбековна

Халқаро ҳуқуқий стандартлар негизида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.....3

Турсунова Мадина Улугбековна

Совершенствование организационно-правовых основ образовательной системы Республики Узбекистан на основе международно-правовых стандартов.....23

Tursunova Madina Ulugbekovna

Improving the organizational and legal foundations of the educational system of the Republic of Uzbekistan on the basis of international legal norms.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.11/30.12.2019/Tar/Yu/I/S/24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

ТУРСУНОВА МАДИНА УЛУГБЕКОВНА

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СТАНДАРТЛАР НЕГИЗИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Yu115 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Хамедов Иса Ахлиманович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Эшматова Феруза Фархадовна
юридик фанлар доктори

Исмаилов Баҳадир Исмаилович
юридик фанлар доктори, профессор

Туляганов Абдуманип Абдуҷаббарович
юридик фанлар доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси


Диссертация химояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.11/30.12.2019/Tar/Yu/1/S/24/01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «14» июнь соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69; e-mail: rektorat@uwed.uz)


Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21/362 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шох кўчаси, 54-уй. Тел.: (99871) 267-67-69)

Диссертация автореферати 2022 йил «24» июнь куни тарқатилди.
(2022 йил «24» июнь даги 3 рақамли реестр баённомаси).



 Р.Ф.Фармонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлари доктори,
профессор

 О.А.Юсупджанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар номзоди

 Б.И.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, илмий семинар раиси, юридик
фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда таълим сифати ва юқори малакали мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси глобал миқёсдаги инновациялар, ривожланиш ва тарғиботнинг асосий омилларидан бири бўлиб, ҳар бир давлатнинг рақобатбардошлик даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатмоқда. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, “дунёда 750 миллион киши ўқиш ва ёзиш бўйича бирламчи кўникмаларга эга эмас, уларнинг учдан икки қисмини аёллар ташкил қилади”¹. Муаммонинг долзарблигидан келиб чиққан ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартиби Барқарор ривожланиш мақсадларининг бири сифатида “умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш”² бўйича вазифалар белгиланди. Шу жиҳатдан бугунги кунда Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда таълим тизимини модернизациялаган ғолда халқаро ҳуқуқий стандартлар негизида миллий таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда таълим соҳасида халқаро стандартларнинг ҳуқуқий табиати, халқаро-ҳуқуқий нормалар ва миллий қонунчиликнинг ўзаро муносабати ва ривожланиш тенденциялари, ушбу соҳада давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги ҳамда универсал ва минтақавий механизмларни такомиллаштириш, таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик орқали турли мамлакатлар миллий таълим тизимларини бирлаштирувчи халқаро таълим интеграцияси бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳозирги кунда давлатларнинг таълим соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқишда таълим дастурларини амалга ошириш, уларни мониторинг қилиш ва баҳолаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистонда аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан бири бўлган таълим тизимини ривожлантиришга стратегик вазифа сифатида қаралиб, бу борада муайян натижаларга эришилди. Ҳозирда мамлакатимизда мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш, мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш, олий таълим сифатини ошириш ва унинг қамровини кенгайтириш, нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш³ устувор масалалардан бири сифатида белгиланди. Шу муносабат билан таълим соҳасига оид халқаро шартномаларни ўрганиш, давлатлар ўртасида

¹ Стратегия ЮНЕСКО по распространению грамотности среди молодежи и взрослых (2020-2025 гг.) https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000371411_rus (мурожаат қилинган сана: 28.03.2022)

² Цель 4: Обеспечение всеохватного и справедливого качественного образования и поощрение возможности обучения на протяжении всей жизни для всех // <https://www.un.org/sustainabledevelopment/ru/education/> (мурожаат қилинган сана: 28.03.2022)

³ Указ Президента Республики Узбекистан О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы. <https://lex.uz/ru/docs/5841077>

икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг замонавий шакллари таҳлил қилиш, миллий таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини халқаро ҳуқуқий стандартлар асосида такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 феврал-даги ПФ-4947-сон, «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 22 июндаги ПФ-6012-сон, «Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон, «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармонлари ҳамда ушбу соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишига доир устувор йўналишларга мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республикада фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётнинг шаклланиши» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар⁴. Халқаро таълим ҳуқуқининг ўзига хос жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар, жумладан дунёнинг қуйидаги етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида олиб борилмоқда: The Hague Academy of International Law (Нидерландия), Oxford University Faculty of Law, Cambridge University Faculty of Law (Буюк Британия), Yell University College of Law, Boston University School of Law (АҚШ), University of Warsaw (Польша), The University of Canberra (Австралия), Universidad Autónoma de Barcelona (Испания), School of Political Science & International Relations at Tongji University (Хитой), Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети) (Россия), Санкт-Петербург давлат университети (Россия) Қозон федерал университети (Россия), Беларусь давлат университети (Беларусь), Ал-Форобий номидаги Қозоғистон миллий университети (Қозоғистон), Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат юридик университети (Ўзбекистон).

⁴ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.hagueacademy.nl, www.law.ox.ac.uk, www.law.cam.ac.uk, www.law.yale.edu, www.law.bu.edu, www.en.uw.edu.pl, www.mgimo.ru, www.dipacademy.ru, www.kpfu.ru

Халқаро таълим ҳуқуқи доирасида амалга оширилган илмий тадқиқотлар асосида, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши шароитида халқаро ва миллий таълим интеграциясининг шакл ва механизмлари такомиллаштирилган (Oxford University Faculty of Law); халқаро таълим ҳуқуқи манбалари ва таълим соҳасидаги халқаро стандартларнинг таснифланиши асослаб берилган (Москва давлат халқаро муносабатлар институти (университети) (Россия); умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда барчага бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантиришдан келиб чиққан ҳолда давлатларнинг таълим сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган (Universidad Autónoma de Barcelona (Испания); инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни амалга оширишнинг халқаро ва миллий-ҳуқуқий механизмлари олиб борилган илмий тадқиқотлар негизида такомиллаштирилган (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети).

Жаҳонда умумқамровли ва адолатли сифатли таълимни таъминлаш ҳамда бутун умри давомида таълим олиш имкониятини рағбатлантириш бўйича илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан қуйидаги йўналишлар бўйича устувор даражада тадқиқотлар амалга оширилмоқда: халқаро ҳуқуқий стандартлар негизида миллий таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш; олий таълим олишда академик мобилликни миллий даражадаги сертификатциялаш (фанлар бўйича) тизимини такомиллаштириш; олий таълим муассасалариаро таълим олиш шакллари ва дуал дипломларни самарали жорий этиш механизмларини такомиллаштириш..

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотнинг назарий асосини Robert Keohane («After hegemony»), O.Kozar («Towards Better Group Work: Seeing the difference between cooperation and collaboration»), M.Sassoli, S.L.Schneider, R.Tre'hin-Lalanne, J.Roschelle, А.А.Азизов, Н.Г.Акиншина, Ю.С.Безбородов («Интеграция, как международно-правовой метод правовой конвергии»), А.А.Бобровский («Об имплементации международно-правовых норм»), К.С.Бўриев («Роль дистанционного обучения в современном образовании»), Р.Я.Вакуленко («Социальная значимость имиджа вуза: проблемы и перспективы междисциплинарных исследований»), А.С.Гавердовский («Имплементация норм международного права»), С.В.Дерзаев, М. Г.Ибрагимов, О.В.Иншаков, Д.Р. Ислонгулов («Оценка качества образования в рамках компетентностного подхода»), С.Ю.Канашкин, А.Н.Козирин («Право на образование в конституциях и законодательстве зарубежных стран»), А.В.Кондратюк, В.В.Красношеков, Т.Н.Лубова («Особенности новых образовательных стандартов»), И.И.Лукашук («Международно-правовое регулирование международных отношений (системный подход)»), Н.О.Луценко, А.А.Мейдус, Л.Х.Мингазов, Н.А.Митина, А.Л.Монгуш, А.Г.Муминов, О.Г.Остапец, Е.А.Пахомова («Непрерывное профессиональное образование и занятость молодежи»), А.И.Рожкова, Д.Салми («Как государства добиваются международной конкурентоспособности университетов»), В.Я.Суворова, А.И.Султонов,

Н.И.Таилаков, З.Н.Хисматуллина, М.А.Чавикина, М.А.Чепурина (“Политическая и социальная роль высшего образования в современном мире: анализ участия России в Европейском пространстве высшего образования”), С.В.Черниченко, Г.Юлдашева ва бошқаларнинг умумназарий ва махсус ишлари ташкил этади.

Ўзбекистон олимларининг ўрганилаётган муаммо учун энг катта қизиқиш уйғотадиган ишларидан 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимиغا барқарор ривожланиш концепциясини жорий этиш муаммоларини кўриб чиққан А.А.Азизов, Н.Г.Акиншина, Р.Г.Мусин каби олимларнинг ишларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Д.О.Ҳимматалиев, Р.Х.Файзуллаев, З.О.Махмудова, Н.Р.Собиржоновалар ишларида ўзбек таълим моделининг ҳозирги босқичидаги хусусиятлари очиб берилади. Г.Ю.Юлдашева халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро нисбат масалаларини ўрганган.

Шунингдек, диссертация тадқиқоти мавзуси бўйича К.С.Бўриевнинг 2016 йилдаги “Роль дистанционного обучения в современном образовании”, А.В.Кондратюкнинг 2016 йилдаги “Международно-правовое регулирование сотрудничества государств в сфере образования”, Н.А.Митиннинг 2014 йилдаги “Международное сотрудничество как условие повышения качества высшего образования в Казахстане”, Е.В.Мартиненконинг 2008 йилдаги “Международное образовательное право” ва И.В.Демьяненконинг “Международное право и образование” каби ишларини қайд этиш мумкин.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ. 20170929780 “Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ соҳасида таълим ва тадқиқотларни такомиллаштириш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади халқаро ҳуқуқий стандартлар негизида Ўзбекистон Республикаси таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таълим соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг концептуал аппарати ва шакллариغا назарий ва амалий ёндашувларни ўрганиш;

таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш ва аниқлаш;

таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва тасниф тизимини очиб бериш;

таълим соҳасидаги давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги бўйича БМТнинг мувофиқлаштирувчи функцияси моҳиятини очиб бериш;

таълим соҳасидаги универсал, минтақавий нормалар ва давлатларнинг икки томонлама шартномаларининг хусусиятларини, ушбу даражалар нормалари ўртасидаги муносабатларни, турли даражадаги ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳажми ва устуворликларини аниқлаш, шунингдек, таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини амалга ошириш хусусиятларини

аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги халқаро нормалар тизимини таҳлил қилиш;

давлатларнинг таълим соҳасидаги минтақалараро ҳамкорлиги хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида кўп томонлама даражадаги халқаро ҳамкорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уни ривожлантириш муаммолари ва истиқболларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларнинг таълим соҳасидаги миллий қонунчилигини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини халқаро таълим стандартлари асосида такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида таълим соҳасида давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий муносабатлари, Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид халқаро шартномалари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, шаклланган ҳуқуқий ҳолат ва халқаро-ҳуқуқий муносабатлари олинган.

Тадқиқот предметини таълим соҳасидаги халқаро, минтақавий ва миллий ҳуқуқий муносабатларга оид назарий-ҳуқуқий масалалар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида умумий илмий ва махсус усуллар, жумладан, тарихий, тизимли, қиёсий-ҳуқуқий, таҳлилий, контент-таҳлил, мантиқий-ҳуқуқий, статистик таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

“таълим кампуси” таърифи таълим жараёнининг ҳудудий яхлитлик, ўқув, илмий, инновацион-технологик, ижтимоий ва инфратузлмавийлиги билан бир қаторда маънавий-ахлоқий тарбиянинг юқори самарадорлигини таъминлайдиган таълим-тарбия муҳити сифатида қонунчиликда аниқлаштирилиши зарурлиги асослаб берилган;

хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш таомили Таълим инспекцияси томонидан амалга оширилиши ва бундай ҳужжатни тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланишини қонунчиликка киритилиши зарурлиги асослаб берилган;

таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостил қўйиш амалиётида мавжуд бўлган ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ва ундан келгусида жараённинг шаффофлиги, очиқчилигини таъминлашда самарали фойдаланиш заруратини қонунчиликда белгилаб қўйиш асослантирилган;

миллий таълим ташкилотларининг хорижий давлатларнинг тегишли таълим муассасалари билан халқаро ҳамкорлигини амалга ошириш воситалари рўйхатини такомиллаштириш ва икки томонлама дипломлар (Double Diploma) дастурларини жорий этиш воситалари билан аниқлаштирилган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштириш зарурати асослаб берилган;

таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий ва миллий-

ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи ва таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг халқаро ҳамкорликка оид ваколатларини белгиловчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларнинг хорижда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига мувофиқ ёки яқка тартибда таълим олиш ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

давлатлар ўртасидаги таълим соҳасидаги ҳамкорликни халқаро-ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш даври ва тенденциялари аниқланган;

давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг шартномавий шаклининг хусусиятлари, шунингдек таълим соҳасида халқаро стандартларни жорий этишнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган;

таълимнинг миллий моделини жаҳон таълимини ривожлантиришнинг замонавий илғор моделлари ва тенденцияларига мослаштириш ва мослаштириш орқали уни узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини аниқлаш ва асослаш;

таълим соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ишлаб чиқиш.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий қонунчилик нормаларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилганлиги, ривожланган мамлакатлар ҳуқуқини қўллаш амалиёти ўрганилганлиги, натижалар ваколатли органлар амалиётига жорий этилганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф, тавсия ва хулосалар халқаро таълим ҳуқуқи ва соҳага оид миллий қонунчилик асосларини такомиллаштириш, халқаро таълим ҳуқуқининг илмий-назарий асослари ва услубий ёндашувларни ривожлантиришга ҳамда таълим соҳасидаги давлатлараро ҳамкорликнинг концептуал аппаратини бошйитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасида халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш, таълим тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари учун «Халқаро ҳуқуқ», «Инсон ҳуқуқлари», «Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи», «Халқаро шартномалар ҳуқуқи», «Халқаро таълим ҳуқуқ» каби ўқув адабиётларини тайёрлашда ва такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Илмий тадқиқот натижалари таълим соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланилди:

“таълим кампуси” тушунчасининг аниқлаштирилган таърифи ва уни ҳуқуқий асос нуқтаи назаридан миллий қонунчилик базасига киритиш бўйича таклифлардан “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонуннинг 3-моддаси 10-бандида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2021 йил 4 августдаги 04/5-883-сон маълумотномаси). Бу таълим соҳасида атамани тўғри тушуниш ва қўллаш, “таълим кампуси” тушунчасини аниқлаштириш ва таълим қонунчилигида тўғри фойдаланишга ижобий таъсир кўрсатишга хизмат қилади;

хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш таомили ва тартибини аниқлаштиришга оид миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлардан “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонуннинг 60-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2021 йил 4 августдаги 04/5-883-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар хорижий давлатда олинган таълим тўғрисидаги ҳужжатни тан олишнинг ҳуқуқий тартибини такомиллаштириш, аниқлаштиришга кўмаклашади, бу борадаги ортиқча тўсиқларни бартараф этиш, яхшилаш, мақбуллаштириш, тартибга солишга хизмат қилади;

таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостил қўйишнинг миллий-ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунчиликни такомиллаштириш ва ундан келгусида янада самарали фойдаланиш бўйича таклифлардан “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонуннинг 61-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2021 йил 4 августдаги 04/5-883-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг ҳаётга татбиқ этилиши таълим соҳасидаги расмий ҳужжатларга апостил қўйиш амалиётини соддалаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади;

миллий таълим ташкилотларининг хорижий давлатларнинг тегишли таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорлигини амалга ошириш воситалари рўйхатини аниқлаштириш ва конкретлаштиришга доир миллий қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлардан “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон Қонуннинг 67-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2021 йил 4 августдаги 04/5-883-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши Ўзбекистон таълим муассасаларининг хорижий давлатларнинг тегишли таълим муассасалари ва ташкилотлари билан халқаро ҳамкорлигини амалга оширишнинг барча таклиф этилаётган воситаларидан фойдаланишга, уларни ҳаётга жорий этиш амалиётини соддалаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади;

таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамловчи ва таълим соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органларининг халқаро ҳамкорликка оид ваколатларини белгиловчи, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқароларнинг хорижда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ ёки яқка тартибда таълим олиш ҳуқуқларининг халқаро-ҳуқуқий ва миллий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича таклифлардан “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сон

Қонуннинг 68-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг 2021 йил 4 августдаги 04/5-883-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигини такомиллаштириш ва таълим соҳасидаги ваколатли давлат органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш бўйича ваколатларини самарали амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманлари ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тадқиқотнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган журналларда 10 та, жумладан, хорижий журналларда 4 та илмий мақола, шунингдек, 9 та илмий тезис, шундан 2 таси хорижда чоп этилган ва диссертация мавзуси бўйича 1 та монография нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, 15 та параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 254 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзуси, долзарблиги ва зарурати асослантилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети белгиланган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ёритилган.

“Халқаро таълим ҳуқуқини шакллантиришнинг назарий ва услубий масалалари” номли биринчи бобда халқаро ҳуқуқнинг бир тармоғи сифатида халқаро таълим ҳуқуқининг шаклланиши масалалари кўриб чиқилади, бунда, халқаро таълим ҳуқуқининг шаклланишига асос бўлган муҳим таркибий қисмлардан бири – таълим олиш ҳуқуқини алоҳида ажратиш лозим. Таълим олиш ҳуқуқи универсал ва минтақавий халқаро ҳужжатларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқларидан биридир. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддаси, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-моддаси, Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияга 1-сонли баённоманинг 2-моддаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Инсон

ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари тўғрисидаги конвенциясининг 27-моддаси, Инсон ва халқлар ҳуқуқлари бўйича Африка Хартиясининг 17-моддаси, Америка давлатлари ташкилоти Низомининг 49-моддаси.

Шундай қилиб, ҳалқаро таълим ҳуқуқи – бу таълим соҳасидаги давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи эътироф этилган тамойиллар ва нормалар йиғиндисидир.

“Халқаро таълим ҳуқуқининг субъекти” тушунчасини белгилашда халқаро ҳуқуқ назарияси қоидалари қўлланилади, бу эса халқаро ҳуқуқ субъектларига халқаро ҳуқуқнинг умумий нормаларига мувофиқ ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўрсатмалари билан вужудга келадиган халқаро ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ташувчиларини киритади. Хулқ-атвори бевосита халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ва халқаро оммавий (ҳукуматлараро) ҳуқуқий муносабатларга кирувчи ёки кириши мумкин бўлган шахс ҳам халқаро ҳуқуқ субъекти ҳисобланади.

Халқаро таълим ҳуқуқининг манбаларига таълим олиш ҳуқуқини мустаҳкамловчи, шунингдек, таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг айрим жиҳатларини, масалан, таълим тўғрисидаги ҳужжатларни ўзаро тан олиш соҳасини ёки университетлар ўртасидаги ҳамкорлик ёки талабалар алмашинуви соҳасини тартибга солувчи халқаро ҳужжатлар киради. Нормалари барча иштирокчилар учун мажбурий бўлган анъанавий халқаро шартномалар билан бир қаторда, халқаро шартнома бўлмаган, “юмшоқ ҳуқуқ” деб аталадиган нормаларни ўзи ичига олган кўплаб ҳужжатлар мавжуд. Болонья жараёни доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти, масалан, Университет Низоми - Magna Charta Universitatum, Сорбонна декларацияси ва Болонья декларациясининг ўзи бунга киради. МДҲга аъзо давлатлар учун намунавий таълим кодекси тавсия қилувчи халқаро актнинг яна бир мисоли бўла олади.

Биз халқаро таълим ҳуқуқининг олтита асосий тамойилини ажратиб кўрсатишни таклиф қиламиз:

- таълимнинг барча учун мақбуллиги;
- асосий умумий таълимнинг мажбурийлиги;
- умумий, бошланғич касб-ҳунар таълими ва танлов асосида ўрта ва олий касб-ҳунар таълими бепуллиги;
- талабаларга давлатнинг ижтимоий ёрдами;
- таълимда эркинлик ва плюрализм (талабаларнинг таълим муассасаси ва таълим шаклини танлаш ҳуқуқи, ўқитувчилар учун академик эркинлик, таълим муассасалари учун мустақиллик);
- таълимнинг дунёвий табиати;

Жаҳон таълим майдони жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда ва такомиллашиб бормоқда, минтақалар турлари таълим тизимларининг ўзаро таъсири белгилари, уларнинг интеграция жараёнларига муносабати асосида чегараланмоқда.

Ўзбекистон учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини самарали амалга ошириш ташқи сиёсатнинг устувор

вазифаларидан бири бўлди. Ташқи ишлар вазирлигига жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан мувозанатли кўп қиррали стратегик шериклик тизимини шакллантириш вазифаси юклатилган.

Таълимнинг халқаро стандарт таснифи (ТХСТ) – бу таълим дастурлари ва малакалари билан боғлиқ маълумотларни умуммиллий миқёсда таққосланадиган кодлаш, таҳлил қилиш ва тақдим этиш учун мўлжалланган халқаро миқёсда келишилган таснифдир.

Жорий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш натижаларига кўра ТХСТ ҳам сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда кўплаб ҳукуматлар ва миллий статистика идоралари нафақат халқаро таълим кўрсаткичлари бўйича ўз давлатларининг ўрнини кўрсатадиган, балки юқори сифатли миллатлараро таққосланадиган маълумотларга жиддий интиломоқда.

Ҳозирги вақтда асосий масала таълим сифатини назорат қилиш билан боғлиқ бўлиб, мутахассиснинг малакасини текшириш учун ягона меъёрлар ва талаблар мустаҳкамланмоқда. Бу омил Ўзбекистон Республикасида миллий таълим муассасаси битирувчисини чет эллик таълим муассасаси битирувчиси малакаси даражасига кўтариш учун меҳнат бозорида хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари битирувчилари учун рақобат яратилганлиги билан боғлиқ.

“Давлатларнинг таълим соҳасидаги ҳамкорлигининг халқаро механизмлари” номли иккинчи боб фан, маданият ва таълим соҳасидаги ҳамкорликни назарда тутди; жаҳон ҳамжамияти томонидан маълум даражадаги глобаллашув даражасига эришишни назарда тутди; хорижий давлатлар билан ҳамкорликдаги ишларнинг, хоҳ у нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) ҳамкорлиги бўладими, икки томонлама (бир мамлакатдан иккинчисига), кўп томонлама (бир қатор давлатлар иштирокида) ёки марказлашмаган (маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида) ҳамкорлиги бўладими, барча турларини тавсифлайди; ўрта ва олий таълим даражасини ошириш ва янада барқарор, тинч ва фаровон дунё қуришга кўмаклашиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришни тавсифлайди.

Таълим соҳасидаги давлатлар ҳамкорлигининг халқаро ҳуқуқий шакли - бу давлатларнинг халқаро шартномалар асосида сиёсий, маданий, иқтисодий, илмий-техникавий ва таълим соҳаларида амалга ошириладиган, таълим маконини ривожлантиришга қаратилган қўшма икки томонлама ёки кўп томонлама фаолият бўлиб, мамлакатларнинг иқтисодий барқарорлиги ва тараққиётини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадини кўзлайди.

Институтлараро ҳамкорлик – турли мамлакатларнинг икки ёки ундан ортиқ таълим ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг энг мослашувчан шаклидир; таълим соҳасидаги ҳукуматлараро ҳамкорлик институтларародан фарқли ўлароқ, давлат фаолиятига тегишли бўлиб, давлат ташқи сиёсатининг тамойиллари ва устувор йўналишларига мувофиқ амалга оширилади. Ҳукуматлараро битимларда давлат номидан ушбу мамлакат ҳукумати иш олиб боради. Қоидага кўра, бу шартномалар икки томонлама бўлиб, бир қанча давлатлар ҳукуматлари ўртасида ҳам тузилиши мумкин; Таълим соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик ҳукуматлараро ҳамкорликдан

нафақат иштирокчилар кўлами ва сони, балки барча иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлигининг янада батафсил механизми билан ҳам фарқланади. Масалан, Россия Европа Кенгаши аъзоси сифатида Европа минтақасида таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги кўплаб халқаро шартномалар ва Европа минтақасида амалда бўлган бошқа стандартлар иштирокчиси ҳисобланади; таълим соҳасидаги глобал ҳамкорлик фаолияти таълим ва таълим олиш ҳуқуқига таъсир қилувчи жаҳон миқёсидаги халқаро ташкилотларга, шунингдек, таълим олиш ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган жаҳон йиғилишларига аъзоликни назарда тутади.

Мувофиқлаштириш деганда таълим тизимидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, тартибга солиш, уларни кўйилган мақсадга уларни мувофиқлаштиришга қаратилган фаолият тушунилади. Мувофиқлаштириш - ахборот алмашинувини амалга оширадиган ва фаолиятни ўз вақтида тақсимлашни, белгиланган мақсадларга эришиш учун умумий жараённинг турли иштирокчиларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашни мақсад қилган бошқарув функцияси. Мувофиқлаштириш таълим тизимининг яхлитлиги ва барқарорлигини таъминлайди.

Кўп томонлама ҳамкорлик манфаатдор шерикликлар томонидан инновацияларни, ресурсларни ва БРМга эришиш учун ҳаракатларни рағбатлантиришнинг муҳим воситасидир. Ушбу шерикликлар ривожланиш муаммоларига жавоб бериш учун ҳукумат, бизнес, фуқаролик жамияти, БМТ ва бошқа кўп томонлама институтлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро алоқаларни кучайтиришга қаратилган кенг ва хилма-хил институционал келишувларни ўз ичига олади. Ушбу шерикликлар халқаро ривожланиш архитектурасининг тобора муҳим элементларига айланиб бормоқда.

Таълим соҳасидаги кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлик истиқболларини белгилашда мамлакатлар мақсадли аудиторияни ҳисобга олган ҳолда жараёнлар ва амалга оширилаётган тадбирларни замонавий ахборот билан таъминлашга муҳтож. Икки томонлама ҳамкорлик тадқиқотнинг асосий эътиборини ҳуқуқий асосларни аниқлашга, икки томонлама келишувлар қоидаларини ички давлат миқёсида жорий этишга, шунингдек, ҳар бир давлатда фан ва таълим соҳасидаги бошқарув хусусиятларини таҳлил қилишга қаратади.

“Таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш механизмлари” номли учинчи бобда халқаро шартномада иштирок этувчи давлатнинг шартномаларда белгиланган нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш мажбурияти сифатида қараймиз.

Бизнингча, халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш - халқаро мажбуриятларни миллий даражада ҳақиқий амалга ошириш, шунингдек, халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий ҳуқуқ тизимида жорий этишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш эса – Ўзбекистон Республикасининг таълим қонунчилигига таълим соҳасидаги халқаро ҳуқуқ нормаларини жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий йўллари ҳисобланиб, 2000

йиллар бошларида ЮНЕСКОнинг “Барқарор ривожланиш учун таълим” (БРТ) концепциясини жамият дунёқарашини ўзгартириш ва инсониятни барқарор ривожланишга йўналтиришнинг самарали воситаси сифатида таклиф қилиб, бунда қуйидаги таърифни беради: “Барқарор ривожланиш учун таълим - бу янада адолатли жамиятлар ва барқарор ривожланишга эришиш учун зарур бўлган ижтимоий ўзгаришларни амалга оширишга имкон берадиган таълим”.

1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, 1959 йилги Бола ҳуқуқлари декларацияси, 1960 йилги Таълим соҳасидаги камситишларга қарши конвенция инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим олиш ҳуқуқини, ўз навбатида камситишларга қарши курашишни халқаро ҳуқуқий тартибга солишга асос солди. Уларнинг қоидалари кейинчалик қабул қилинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлдирилди, кенгайтирилди ва янги талқин қилинди.

Халқаро ҳуқуқни амалга оширишнинг халқаро ташкилий-ҳуқуқий (институционал) механизмига фаолияти музокаралар, маслаҳатлашувлар, учрашувлар, конференциялар, келишув комиссиялари, суд муҳокамасида масалаларни кўриб чиқиш йўли билан амалга ошириладиган давлатлар, ташкилотлар ва органлар (қўмиталар, комиссиялар, суд органлари) киради.

Ўзбекистон таълим тизими энг яхши ҳолатда эмаслиги шубҳасиз ва расмий ҳужжатлар билан тасдиқланган. Жаҳон банки ҳисоботига кўра: “Ўзбекистон олий таълим тизими олий таълимда инновациялар етакчиси ва янги ғоялар яратувчиси ролини бажаришда орқада қолмоқда, бу эса замонавий, билимга асосланган иқтисодиётнинг ўсишини рағбатлантириш учун зарурдир. Олий таълим тизими фойдаланиш имкониятининг пастлиги, бошқарув ва сифатни таъминлаш механизмларининг эскирганлиги, молиялаштириш тузилмаси замонавий иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб бермаслиги билан тавсифланади” ва “Ўзбекистонда олий таълим сифатини таъминлаш бўйича амалдаги стандартлар илғор халқаро тажрибаларга мос келмайди”. Шунинг учун олиш керакки, илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга интеграциялаш, шунингдек, иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари учун ҳали зарур шароитлар яратилмаган. Ўқув жараёнига инновацион усулларни жорий этиш борасидаги ишлар қониқарсизлиги, ўқув дастурлари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги боғлиқлик йўқлиги яққол кўзга ташланади. Ўқитувчиларнинг малакасини ошириш муаммоси алоҳида ташвиш уйғотади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, халқаро ҳуқуқ нормаларини, жумладан, таълим соҳасида ҳам имплементация қилишнинг ички механизмлари мавжудлиги давлатлар томонидан ўз зиммаларига олган халқаро мажбуриятларнинг тўлиқ, ҳар томонлама ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш имконини беради. Давлатнинг имиджи, унинг ҳуқуқий тизимининг самарадорлиги, таълим соҳасида инсон ҳуқуқларини таъминлаш кўп жиҳатдан миллий амалга ошириш механизмларининг самарадорлигига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги тўғрисидаги миллий қонунчилигини такомиллаштириш

мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Олий таълим тўғрисида”ги янги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарур.

Тўртинчи боб – “Ўзбекистон Республикаси таълим тизимини халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш”.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда таълим ва тарбия тизимининг сифати ва самарадорлигини ошириш, боғча тарбияланувчилари, ўқувчилар ва талабалар ўртасида замонавий билим ва кўникмаларни шакллантириш, таълим тизимларининг ўзаро яқин ҳамкорлиги ва интеграциялашувини, фан соҳаси ва таълимнинг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2017 йилдан ҳозирги кунгача ислохотларнинг бешинчи босқичи амалга оширилмоқда. Бу даврда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ислох қилинадиган 5 та йўналиш бўйича тасдиқланган эди. Ушбу йўналишлардан бири миллий таълимни ривожлантиришдир, хусусан:

- меҳнат бозори эҳтиёжларини қондириш, кадрлар тайёрлаш, таълим хизматларининг сифати ва қулайлигини ошириш, узлуксиз таълимни сақлаш мақсадида;

- таълим муассасаларини замонавий моддий-техника воситалари ва энг янги ўқув адабиётлари билан шароит яратиш ва жиҳозлаш;

- МТМ тизимини ривожлантириш ва МТМ педагог кадрларининг малакасини ошириш;

- алоҳида фанларни чуқур ўргатиладиган таълим муассасаларини яратиш;

- спорт инфратузилмасини ривожлантириш;

- ўқувчиларни олган мутахассисликлари бўйича келгусида иш билан таъминлаш учун шароит яратиш;

- халқаро миқёсда тасдиқланган таълим стандартларига мувофиқ ўқитиш сифатини ривожлантириш;

- олий ўқув юртларида илмий-тадқиқот марказларини яратиш ва ривожлантириш.

2022 йил 28 январда кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан 2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. 2022–2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси ва уни “Инсон манфаатларини таъминлаш ва маҳалла тараққиёти йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурига асосан 2026 йилга қадар илғор хорижий тажриба асосида ўқув режалари ва дарсликларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва амалиётга жорий этиш асосида, 2026 йилга қадар 699 номдаги янги дарсликлар, иш китоблари, ўқитувчилар учун ўқув-методик қўлланмалар ва мобил иловалар, жумладан, 2022 йилда 296 номдаги янги дарсликларни тўлиқ қайта кўриб чиқиш ва жорий йилга қадар амалиётга татбиқ этиш кўзда тутилган.

Замонавий Ўзбекистонда ижтимоий онгни ривожлантириш шарт-шароитлари таълим билан бевосита боғлиқ бўлиб, бугунги кунда шахсни ижтимоийлаштириш ва замонавий шахсни шакллантириш омили сифатида шундай ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, бу эса илмий соҳадаги

ўзгаришларга тенгдир. Билимларни эгаллаш тезлигининг шиддати, имкон қадар қисқа вақт ичида мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш зарурати, мактабда, ҳам ўрта босқичда, ҳам олий ўқув юртларида кўп миллатлилик, кўп конфессиялилик, турли маданиятларнинг ўзаро таъсири яқин-яқингача болалар буларни фақат кузатишлари мумкин эди, энди уларнинг ўзлари ушбу маданиятлараро интеграция жараёнига киришган ва бошқа жараёнлар таълимни ичкаридан ўзгартирмоқда. Таълим соҳаси ҳам давлат тузилмалари томонидан ислоҳ қилинмоқда. Компетенциялар билим ўрнини эгаллади. Таълимнинг асосини чизикли бўлмаган алоқалар ташкил этади, чунки ўқув жараёнига киритилган барча мавзуларга чизикли бўлмаган таъсир кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, халқаро ҳуқуқ институтларининг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида таълим тизимини ҳуқуқий тартибга солишга нисбатан тизимли ва изчил ёндошув зарур.

Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини самарали ривожлантириш ва халқаро ҳамкорликни таъминлаш учун профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, конференция ва семинарларда иштирок этиш, таълимнинг турли йўналишлари бўйича даврий равишда малака оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш, энг янги ўқув адабиётларини шакллантириш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинув дастурларида иштирок этишини таъминлаш, тажриба алмашиш бўйича дастурларида иштирок этиш, хорижий мутахассисларни таклиф қилиш зарур.

ХУЛОСА

Ўтказилган диссертация тадқиқоти қуйидаги хулосалар чиқаришга имкон беради:

1. Илмий-назарий хулосалар

Тадқиқот мақсади ва вазифаларига мувофиқ, унинг натижаларидан келиб чиқиб, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, муносабатларни ўрганиш ва қиёсий ҳуқуқий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги илмий асосланган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Амалиёт шуни кўрсатадики, давлатлар ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик қуйидаги йўналишларда амалга оширилади ва ривожланади:

- биринчи йўналиш - тажриба, технология ва билим алмашиш;
- иккинчи йўналиш - биргаликдаги фаолият;
